

Давлат илмий-техника дастурлари доирасида бажариладиган амалий лойиҳалар ва инновацион ишланмалар, шунингдек, тематик тадқиқотлар танловини ўтказиш учун танлов ҳужжатлари

Илмий ва илмий-техник фаолиятнинг устувор йўналишлари бўйича таниқли олимлар, жумладан, ёш тадқиқотчилар томонидан амалга ошириладиган амалий илмий тадқиқотлар ва инновацион ишланмалар, тематик тадқиқотларни молиялаштириш учун илмий лойиҳалар танлови Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идоралари билан келишилган танловга тақдим этилган илмий, илмий-техник лойиҳаларни танлаб олишнинг муваққат Тартибига мувофиқ ўтказилади.

Давлат илмий-техник дастурлари амалий ва тематик илмий тадқиқотлар, шунингдек, инновацион ишланмалар танловининг муаммолари илм-фан ва техниканинг устувор йўналишларини, мамлакатни инновацион ривожлантиришни инобатга олган ҳолда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, йирик саноат корхоналари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг таклифлари асосида шакллантирилади.

Илмий лойиҳаларни молиялаштириш давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади. Лойиҳанинг илмий раҳбари тегишли илмий даражага эга бўлиши шарт.

Грантлар илмий, илмий-техника дастурлари ва лойиҳаларни амалга ошириш, 2019-2020 йилларда бажариладиган амалий лойиҳалар ва инновацион ишланмалар ҳамда тематик илмий тадқиқотлар (бундан кейин матнда – лойиҳа) учун ажратилади.

Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида илмий ва инновацион фаолият бўйича қуйидаги Илмий-техник кенгашлар ташкил этилган:

1. Тарих ва ижтимоий фанлар
2. Филология, психология ва педагогика фанлари
3. Иқтисодиёт ва ҳуқуқ фанлари
4. Археология фанлари
5. Математика ва физика. Механика фанлари
6. Техника фанлари
7. Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш
8. Архитектура, қурилиши, дизайн ва шаҳарсозлик
9. Қишлоқ хўжалиги ва атроф муҳит муҳофазаси
10. Ўрмон хўжалиги
11. Тиббиёт фанлари
12. Фармакология ва фармацевтика
13. Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар
14. Ер тўғрисидаги фанлар
15. Биология фанлари
16. Кимё фанлари

Танловда иштирок этадиган лойиҳа 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган аниқ муаммолардан бирини ҳал этишга, илмий, илмий-техникавий натижаларга эришишга йўналтирилган бўлиб, ички бозорда маҳсулотлар ва хизматларни инновацион ривожлантириш учун асос бўлиши, ташқи бозорда Ўзбекистоннинг барқарор мавқеини намойиш этадиган технологияларни яратишга имкон бериши керак.

Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳалар қуйидагиларга йўналтирилиши керак:

- илғор рақамли, интеллектуал ишлаб чиқариш технологияларига, роботли тизимларга, янги материалларга ва қурилиш усулларига ўтиш, йирик ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш, техник таълим ва сунъий ақл тизимларини яратиш;
- экологик тоза ва ресурс тежовчи энергетикага ўтиш, углеводород хом ашёсини қазиб

олиш ва чуқур қайта ишлаш самарадорлигини ошириш, энергиянинг янги манбаларини, узатиш ва сақлаш усулларини шакллантириш;

- шахсийлаштирилган тиббиётга ўтиш, юқори технологияли соғлиқни сақлаш ва соғлиқни муҳофаза қилиш технологияларидан, шу жумладан, дори воситаларидан (айниқса, антибактериал препаратлардан) оқилона фойдаланиш;

- юқори маҳсулдор ва экологик тоза агро ва гидро хўжалик юритишга ўтиш, қишлоқ хўжалиги ўсимликлари ва ҳайвонларини кимёвий ва биологик ҳимояловчи воситалардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва самарали қайта ишлаш, хавфсиз ва сифатли, шу жумладан, функционал, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш тизимларини яратиш ва жорий этиш;

- инсон ва табиат, инсон ва технология, глобал ривожланишнинг ҳозирги босқичида ижтимоий институтлар, шу жумладан, гуманитар ва ижтимоий фанлар усулларини қўллаш бўйича ўзаро самарали таъсир ўтказиш имкониятини яратиш.

Лойиҳани амалга ошириш, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ўсиши ва ижтимоий ривожланишини таъминлайдиган илмий ва технологик захираларни шакллантиришга йўналтирилиши лозим.

Грантлар якунида янги ёки такомиллаштирилган маҳсулотлар (товарлар, ишлар, хизматлар), илғор технологияларни яратиш ёки мавжудларини такомиллаштиришга йўналтирилган лойиҳаларга алоҳида устунлик берилади.

Танловда олий таълим муассасалари, илмий ташкилотлар таркибидаги илмий тадқиқотларни олиб бориш мақсадида ташкил этилган лабораториялар (таркибий бўлинмалар), мулк шаклидан қатъи назар таъсис ҳужжатларида илмий тадқиқотларни амалга ошириши мумкинлиги кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган бошқа илмий ташкилотларнинг (бундан кейин матнда тегишли равишда – илмий жамоа, лаборатория, ташкилот) илмий даражаси ва фуқаролиги, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар илмий жамоа раҳбари (бундан кейин матнда – лойиҳа раҳбари) бошчилигида лойиҳа раҳбари ва илмий жамоа аъзоларининг меҳнат ёки фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлари асосида тузилган илмий жамоаларнинг лойиҳалари қатнашади.

Грантлар танлов натижаларига асосан лойиҳани амалга оширувчи илмий жамоанинг лойиҳа раҳбарига бепул ва қайтармаслик асосида тақдим этилади.

Лойиҳа раҳбари ва илмий жамоа аъзолари лойиҳани амалга оширувчи ташкилотнинг ходимлари ва фуқаролигидан қатъи назар лойиҳани амалга ошириш ва амалиётга татбиқ этиш давомида ташкилот билан меҳнат ва фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларига эга бошқа шахслар бўлиши мумкин.

Лойиҳани амалга оширишнинг тўлиқ муддати давомида лойиҳа раҳбари ташкилот билан меҳнат муносабатларида бўлиши керак, лойиҳа раҳбари билан тузилган меҳнат шартномаси масофадан туриб ишни бажариш бўйича шартнома бўлиши мумкин эмас.

Лойиҳа раҳбари аризани топшириш муддатидан аввал лойиҳа мавзуси бўйича “Фан тармоғи” (Web of Science Core Collection) ёки “Скопус” (Scopus) маълумотлар базасида индексланган нашрларда, рецензияланадиган маҳаллий ва хорижий илмий нашрларда 2014 йилнинг 1-январидан бошлаб чоп этилган қуйидаги миқдордаги ишларга эга бўлиши керак:

- а) ушбу танлов ҳужжатларининг 3-бандида кўрсатилган 05-16 фан йўналишлари учун - камида учта турли илмий ишлар;

- б) 01-04 фан йўналишлари учун камида битта илмий иш.

2. Лойиҳани амалга ошириш давомида лойиҳанинг молиявий таъминоти йилига 1,5 млрд. сўмгача бўлиши мумкин.

3. Йиллик молиялаштириш миқдори лойиҳани амалга ошириш бўйича тақдим этилган

ҳисоботларни экспертизадан ўтказиш натижалари ва лойиҳани бажарувчи томонидан грант маблағларидан мақсадли фойдаланилиши асосида аниқланиши мумкин.

4. Лойиҳа раҳбари ушбу танловда қатнашиши учун фақат битта талабнома тақдим этишга ҳақли.

5. Давлат сири бўлган маълумотларни ўз ичига олган лойиҳалар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган қоидаларга мувофиқ расмийлаштирилади.

6. Илмий лойиҳани тақдим этишнинг мажбурий шартлари лойиҳа раҳбари томонидан илмий жамоанинг қуйидаги мажбуриятларни бажариши бўйича қабул қилинади:

6.1. Ўзининг илмий изланишлари натижаларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жамиятнинг ноёб мулкига айлантириш, уларни “Фан тармоғи” (Web of Science Core Collection) ёки “Скопус” (Scopus) маълумотлар базаси рўйхатидаги, рецензияланадиган маҳаллий ва хорижий илмий нашрларда чоп этиш;

6.2. Лойиҳани амалиётга татбиқ этиш жараёнида рецензияланадиган маҳаллий ва хорижий илмий нашрларда чоп этилиши керак:

а) ушбу танлов ҳужжатларининг 3-бандида кўрсатилган 05-16-сонли фан йўналишлари учун - “Фан тармоғи” (Web of Science Core Collection) ёки “Скопус” (Scopus) маълумотлар базасида индексланган нашрларда камида учта нашр иши;

б) 01-04 фан йўналишлари учун “Фан тармоғи” (Web of Science Core Collection) ёки “Скопус” (Scopus) базасида индексланган илмий нашрларда камида битта мақола;

в) республиканинг турли ҳудудларидаги муассасалар билан ўзаро интеграцияни таъминлаш, у ердаги илмий-тадқиқот муассасалари ва олий ўқув юртлирида фаолият кўрсатаётган 40 ёшгача бўлган ёш олимлар ва тадқиқотчиларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, “Академик ҳаракатчилик” йўналишида малака ва тажрибасини ошириш учун камида бир нафар ёш олим ёки тадқиқотчини лойиҳани бажарувчи жамоа таркибига киритиш;

7. Танловга аризалар танлов ҳужжатларининг 1-иловасига мувофиқ мазмуни бир хил бўлган босма ва электрон шаклларда тақдим этилади.

Аризалар Инновацион ривожланиш вазирлигига ўзбек ёки рус тилида, белгиланган қисмлар эса ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги таржимаси билан тақдим этилади.

8. Аризалар www.mininnovation.uz веб-сайти орқали рўйхатдан ўтказилади. Ахборот таҳлил тизими (АТТ) орқали ариза топшириш рақами олинганидан сўнг илмий тадқиқот институтларининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича директор ўринбосари ёки олий ўқув юртлирининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорлари ариза ва қўшимча материалларни **12 соатдан кечикмаган ҳолда “_____” _____ 2019 йил** вазирликнинг Тошкент шаҳри, 100060, Т. Шевченко кўчаси 1-уйдаги манзилига тақдим этишлари керак.

(Изоҳ: аризаларни топширишнинг охириги муддати ва вақти ҳар бир фан йўналиши бўйича берилган эълонда алоҳида кўрсатилади).

9. Инновацион ривожланиш вазирлигига танловга оид қоғоз шаклда тақдим этилган лойиҳалар фақат илмий-тадқиқот институтлари илмий ишлар ва инновациялар бўйича директор ўринбосарлари ва олий таълим муассасаларининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорлари томонидан тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари имзолаган йўлланма хати асосида белгиланган муддатларда қабул қилинади.

10. Аризанинг қоғоз нусхаси (жумладан, унга қўшимча материаллар) лойиҳа раҳбари ва ташкилот раҳбари томонидан имзоланиши шарт.

11. Вазирликка топширилган аризалар қайтарилмайди.

12. Танловда иштирок этишга қуйидаги ҳолларда рухсат этилмайди:

а) вазирликка танлов ҳужжатларининг 17, 18, 19-бандлари талабларини бузган ҳолда расмийлаштирилган ва/ёки топширилган, шунингдек, ноёблиги 60 % дан кам бўлган аризалар;

б) танловни ўтказиш ва танлов ҳужжатлари мазмунига қўйилган талабларга риоя қилмаган

ҳолда расмийлаштирилган ва вазирликка тақдим этилган аризалар;

в) АТТда рўйхатдан ўтказилган электрон нусхасидан босма нусхаси фаркли бўлган аризалар;

г) босма нусхаси белгиланган муддатдан кечиккан ҳолда вазирликка тақдим этилган аризалар;

д) ушбу танлов ҳужжатларининг 3-, 4-, 6-, 7-, 9-бандларидаги талабларга мос келмайдиган аризалар;

е) танловда иштирок этиш учун талабгорларга оид белгиланган малака талабларига зид маълумотлар мавжуд бўлган аризалар.

Вазирлик лойиҳа раҳбарини АТТ орқали аризани рўйхатдан ўтказиш, аризининг босма нусхасини олиш тўғрисида огоҳлантиради.

13. Лойиҳа раҳбари танловда иштирок этиш учун Вазирликка тақдим этилган аризани танлов комиссияси томонидан кўриб чиқилгунга қадар ёзма равишда билдирги бериш орқали қайтариб олиш ҳуқуқига эга.

14. Танловга тақдим этилган аризалар илмий ва илмий-техник дастурлар ва лойиҳаларни кўриб чиқиш бўйича амалдаги ҳужжатларга ҳамда илмий, илмий-техник дастурлар ва лойиҳаларни танлов асосида саралаб олишнинг танлов шартларига мувофиқ дастлабки ва асосий экспертизадан ўтади.

Аризаларни экспертизага топшириш лойиҳа раҳбарлари томонидан илмий ва инновацион фаолиятнинг устувор йўналишларига мувофиқ амалга оширилади.

15. Танлов натижалари Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида ташкил этилган Илмий-техник кенгашлар томонидан кўриб чиқилади. Танлов натижалари Инновацион ривожланиш вазирлиги Кенгаши қарори билан тасдиқланади.

16. Танлов натижалари бўйича ғолиблар рўйхати танлов якунлари (натижалари) тасдиқланган санадан бошлаб 10 кун ичида вазирликнинг сайтида эълон қилинади.

17. Танлов натижалари тасдиқланганидан кейин 15 иш куни ичида АТТ орқали шартнома матни ғолиб бўлган лойиҳа раҳбарларига қуйидагиларни кўрсатган ҳолда имзолаш ва расмийлаштириш учун юборилади.

- илмий тадқиқот йўналиши;

- илмий тадқиқотни амалга ошириш учун иш режаси ва харажатлар сметаси;

- лойиҳа раҳбарининг лойиҳа бажарилиши бўйича оралиқ ва йиллик ҳисоботларни тақдим этиб бориш мажбурияти;

- ташкилотнинг илмий жамоани зарур бинолар, ускуналар ва материаллар билан таъминлаш, шунингдек, илмий тадқиқотлар учун мавжуд экспериментал базага кириш мажбурияти;

- ташкилот раҳбарининг илмий жамоа аъзоларининг ҳар бири билан грант ажратилиши билан боғлиқ тегишли фуқаролик-ҳуқуқий ёки меҳнат шартномаларини тузиш мажбурияти;

- ташкилотнинг лойиҳа раҳбари томонидан берилган ёзма сўровига кўра, илмий жамоа аъзоларига лойиҳани амалга ошириш учун мукофот пули тўлаш мажбурияти;

- ташкилотнинг грант харажатларининг алоҳида ҳисобини юритиш (грант бўйича қўшимча харажатларни ҳисобга олиш) ва мақсадли ишлатилиши тўғрисида ҳисобот бериш мажбурияти;

- мониторингда қатнашиш мажбурияти;

- Вазирлик томонидан грант маблағларидан мақсадсиз фойдаланиш ҳолати аниқланган, шунингдек, шартнома муддати тугагандан кейин фойдаланилмаган грант маблағлари мавжуд бўлган тақдирда тарафлар ўртасидаги шартномани бекор қилиш ва/ёки грант маблағларини қайтариш (қисман қайтариш) тартиби ва шартлари;

- грантдан фойдаланиш билан алоқадор томонлар – вазирлик, лойиҳа раҳбари ва ташкилотнинг бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

18. АТТ орқали шартнома лойиҳаси қабул қилингандан кейин 15 иш куни ичида лойиҳа раҳбари ва ташкилотнинг ваколатли мансабдор шахси имзоланган шартномани, лойиҳа раҳбари ёки ташкилот ташаббуси билан шартномани имзолаш рад этилса, бунинг асосини Вазирликка тақдим этилиши шарт. Белгиланган муддатга амал қилинмаган тақдирда Вазирлик лойиҳа раҳбари ва ташкилот томонидан шартнома имзоланишининг кечиктирилиши тўғрисида хабардор қилинади.

Белгиланган тартибда 5 иш куни мобайнида шартнома Вазирликка тақдим этилмаса, тегишли лойиҳа ғолиб лойиҳалар рўйхатидан чиқариб ташланади, бу ҳақдаги хабарнома Вазирликнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

19. Илмий лойиҳалар шартномада кўрсатилган мазмун ва шартларга мувофиқ амалга оширилиши шарт.

20. Илмий лойиҳага ажратилган маблағлардан мақсадсиз фойдаланилганлик ҳолатини аниқлаш шартноманинг бекор қилиниши ва/ёки шартномада кўрсатилган тартибда пул маблағларини қайтариш (қисман қайтариш) учун асос бўлади.

21. Илмий лойиҳага ажратилган маблағлардан мақсадсиз фойдаланганлик учун лойиҳа раҳбари ва ижрочи ташкилот жавобгар бўлади.

22. Ташкилотнинг устама харажатлари миқдори грант миқдорининг 10 фоизидан ошмаслиги керак. Илмий-тадқиқот ишлари учун бошқа ташкилотларга тўлов миқдори грант миқдорининг 10 фоизидан ошмаслиги керак

1-илова. «Т» шакл. Аризанинг титуль варағи

2019 йил танлови

Лойиҳа номи:		Лойиҳа номери:	
		Фан йўналиши:	
Лойиҳа раҳбарининг фамилияси, исми, шарифи:		Лойиҳа раҳбарининг телефон рақами ва электрон манзили	
Лойиҳани молиялаштиришни амалга оширадиган ташкилотнинг тўлиқ ва қисқартирилган номи: _____			
Лойиҳани молиялаштириш ҳажми (минг. сўм.) 2019 йилда. – _____ -		Лойиҳани бошлаш йили: 2019	Лойиҳани тамомлаш йили: 2020
Асосий иштирокчиларнинг фамилияси, исми, шарифи <i>(тўлиқ)</i>	1.		
	2.		
	3.		
	4.		
	5.		
	6.		
	7.		
	8.		
	<i>(лойиҳа раҳбари ушбу жадвалда кўрсатилмайди)</i>		
Аризани тайёрлашда учинчи шахсларнинг ва/ёки ҳуқуқ эгаларининг розилиги билан материалларни Вазирликка тақдим этиш ва уларни Вазирлик томонидан экспертизасини ўтказиш ва оммалаштириш бўйича муаллифлик ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқлари бузилмаганлигини кафолатлайман <i>(ариза аннотацияси кўринишида)</i> .			
Лойиҳа раҳбарининг имзоси _____ / _____ /		Аризани рўйхатдан ўтказиш санаси	
Ташкилот раҳбарининг имзоси Ф.И.Ш: _____ / _____ / Ташкилот муҳри <i>(мавжуд бўлса)</i> .			

1.1. Лойиҳа тўғрисида маълумот

Лойиҳа номи:

ўзбек тилида _____

рус тилида _____

1.2. Илмий ва инновацион фаолиятнинг устувор йўналиши:

1.3. Калит сўзлар (15 та атамадан ортмасин)

ўзбек тилида _____

рус тилида _____

1.4. Лойиҳа аннотацияси (ҳажми 1,5 варақдан ортмасин; жумладан, қисқача – юқорида қайд этилган илмий муаммолар ва илмий янгиликларни ҳал этишнинг долзарблиги)

ўзбек тилида _____

рус тилида _____

1.5. Кутилаётган натижалар ва уларнинг аҳамияти (кутилган натижалар ва уларнинг илмий ва ижтимоий аҳамиятга эгаллиги (режалаштирилган натижаларнинг жаҳон миқёсидаги тадқиқот натижаларига мувофиқлиги, лойиҳада режалаштирилган натижаларнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда амалиётга татбиқ этиш имкониятлари)

ўзбек тилида _____

рус тилида _____

1.6. Илмий жамоа таркибига киритилади:

Лойиҳа ижрочилари (шунингдек, раҳбари), шу жумладан: _____

40 ёшгача бўлган ижрочилар, улардан: _____

докторантлар (адъюнктлар, интернлар, ординаторлар, магистрантлар, мустақил-изланувчилар, талабалар):

1.7. Лойиҳани амалга ошириш даври учун илмий жамоанинг режалаштирилган таркиби: жамоа аъзолари исми, фамилияси, шарифи (мавжуд бўлса), уларнинг ариза бериш чоғидаги ёши, илмий даражалари, лавозими ва асосий иш жойлари, ташкилот билан муносабат шакли (фуқаролик-ҳуқуқий ёки меҳнат шартномаси): _____

Илмий жамоа аъзолари илмий-техник салоҳиятининг лойиҳа вазифаларига мувофиқлиги:

1.8. Лойиҳани молиялаштириш ҳажмининг йиллар бўйича тақсимоти (минг. сўм.да кўрсатилади):

2019 й. – _____, 2020 й. – _____,

1.9. Илмий жамоа лойиҳани амалга ошириш жараёнида унинг натижалари бўйича “Фан тармоғи” (Web of Science Core Collection) или “Скопус” (Scopus) маълумотлар базасида индексланган хорижий нашрларда камида _____ та нашр ишини эълон қилади.

Лойиҳа натижаларини чоп этиш учун мўлжалланаётган илмий нашрлар ҳақида маълумот, шу жумладан, “Web of Science Core Collection”, “Scopus” маълумотлар базасида индексланган нашрлар, шунингдек, мақола, шарҳ, монография ёки бошқа турдаги нашр ишлари кўрсатилади.

1.10. Илмий жамоа томонидан режалаштирилган халқаро лойиҳалардаги иштирок (режалаштирилган бўлса):

Лаборатория ҳақида маълумот

1.11. Тўлиқ номи: _____

Лаборатория ташкил этилганлиги тўғрисидаги ҳужжат рақами ва санаси, лаборатория веб-сайти (агар мавжуд бўлса):

1.12. Қисқартирилган номи

ўзбек тилида: _____

рус тилида: _____

1.13. Лаборатория илмий фаолиятининг йўналишлари рўйхати (фаннинг устувор йўналишлари)

1.14. Лаборатория ходимларининг даврнинг 1 январидан бошлаб эълон қилган нашр ишлари сони

2014 йилдан ариза берилган кунгача _____ та, шундан __ таси “Web of Science Core Collection” ёки “Scopus” маълумотлар базасида индексланган нашрларда эълон қилинган.

1.15. 2014 йилнинг 1 январидан ариза топшириш муддатигача бўлган даврда лаборатория фаолиятининг асосий натижалари, шу жумладан, янги маҳсулот (товарлар, ишлар, хизматлар) яратилгани ва такомиллаштирилгани ёки мавжуд технологиялар такомиллаштирилгани ва янгилари яратилгани тўғрисида маълумот.

Лойиҳа натижаларидан фойдаланиш ҳақида маълумот

1.16. Ҳамкорларнинг лойиҳада режалаштирилган натижалардан ўз хўжалик фаолиятини амалга оширишда фойдаланиши, жумладан, улардан фойдаланиш усуллари, лойиҳадан кутилаётган натижаларни амалиётга татбиқ қилиш асосида янги яратилган ёки такомиллаштирилган маҳсулотлар (товарлар, ишлар, хизматлар); янги яратилган ёки мавжудлари такомиллаштирилган технологиялар; лойиҳа натижалари асосида Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ўсиш ва ижтимоий ривожланишни таъминлайдиган (*агар мавжуд бўлса, тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади*) илмий ва технологик захираларни шакллантириш ҳақида маълумот.

Лойиҳа раҳбари ва ташкилот раҳбари қўйидагиларни тасдиқлайди:

- илмий жамоанинг барча аъзолари (шу жумладан, лойиҳа раҳбари) танлов ҳужжатларининг 6-, 7-, 13-бандларини бажаради;

- лойиҳани амалга оширишнинг бутун даври давомида лойиҳа раҳбари ташкилот билан меҳнат муносабатларида бўлади, меҳнат шартномаси ишни масофадан туриб бажариш бўйича тузилмайди;

- лойиҳа мазмунан бошқа лойиҳалар билан бир хил эмас, бир вақтнинг ўзида илмий жамғармалар ва бошқа ташкилотларнинг танловларига тақдим этилмаган;

- лойиҳада давлат сири бўлган ёки Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ муҳофаза қилинадиган, чекланган маълумот сифатида таснифланган маълумотлар мавжуд эмас;

- лойиҳани амалга ошириш ва грант маблағларидан мақсадли фойдаланиш тўғрисидаги йиллик ҳисоботлар Вазирликка ўз вақтида тақдим этилади;

- ҳар йили Ўзбекистон Республикаси ҳудудида лойиҳа мавзуси бўйича ёш олимлар мактабини ташкил этилади ва унда беш нафар етакчи олим маърузачи, 40 ёшгача бўлган камида йигирмага яқин ёш олим тингловчи сифатида иштирок этади. Тадбирларни ўтказиш бўйича дастурлар ва ҳисоботлар "Интернет" ахборот-телекоммуникация тармоғи орқали ташкилот веб-сайтига жойлаштирилади;

Лойиҳа раҳбари имзоси

Ташкилот раҳбари имзоси

Ташкилот муҳри

Лойиҳа раҳбари ҳақида маълумот

2.1. Фамилияси, исми, шарифи _____

ўзбек тилида _____

рус тилида _____

WoS Researcher ID (мавжуд бўлса) _____

Scopus Author ID (мавжуд бўлса) _____

2.2. Туғилган йили (рақамларда кўрсатилади – сана, ой, йил) _____

2.3. Фуқаролиги _____

2.4. Илмий даражаси, берилган йили _____

2.5. _____

2.6. Илмий фаолият учун олган мукофотлари, етакчи илмий жамоаларга аъзолиги (агар мавжуд бўлса), нуфузли илмий журналларнинг таҳририят кенгашига аъзолиги (агар мавжуд бўлса), нуфузли халқаро конференцияларнинг ташкилий ёки дастурий кўмиталарида иштирок этганлиги, халқаро тадбирларни ташкил қилишдаги бошқа тажрибалари.

2.7. Ариза берилган вақтдаги асосий иш жойи – ташкилотнинг тўлиқ номи, лавозими (ташкилотнинг қисқартирилган номи).

Илмий қизиқишлари соҳаси – калит сўзлар (калит сўзлар 15 тадан ортмасин)

ўзбек тилида _____

рус тилида _____

2.8. Илмий қизиқишлари доираси – фан соҳаларида _____

2.9. Танлов ҳужжатларининг 9-банди шартлари бажарилишини тасдиқлаш учун лойиҳа раҳбари томонидан 2014 йил 1 январидан аризани топшириш санасига қадар чоп этирилган нашр ишлари рўйхати.

Ушбу рўйхат “Web of Science Core Collection” ёки “Scopus” маълумотлар базасида индексланган нашрларда чоп этилган нашр ишларини ўз ичига олади.

Иккинчи кварталга қиравчи рўйхат (Қ1) Scopus SJR бўйича JCR Science Edition ёки JCR Social Sciences Edition нашрларида эълон қилинган __та нашр ишидан иборат.

2.10. Лойиҳа раҳбарининг 2014 йил 1 январдан ариза тақдим этилгунга қадар бўлган даврдаги асосий илмий натижалари (аризадаги маълумотлар натижалар, масалан, нашр ишлари билан тасдиқланиши керак).

2.11. 2014 йил 1 январдан бошлаб эълон қилинган нашр ишларининг умумий сони _____. Шундан, “Web of Science Core Collection” ёки “Scopus” маълумотлар базасида индексланган нашрларда чоп этилгани _____ та.

2.12. Лойиҳа раҳбари томонидан сўнгги 5 йилда эълон қилинган нашр ишларининг қўшимча рўйхати (монографиялар, ҳуқуқий жиҳатдан муҳофазаланган интеллектуал фаолият натижалари, рецензияланган нуфузли илмий нашрларда, “Web of Science Core Collection” ёки “Scopus” маълумотлар базасида индексланган нашрларда чоп этилган илмий ишлари, “Интернет” ахборот-телекоммуникацион тармоғида эълон қилинган илмий ишлар мавжуд бўлса, кўпи билан 10 тасига ҳавола берилди (индексланган нашрларда бўлиши шарт), агар мавжуд бўлса, импакт-фактор илмий нашридаги (JCR Science Edition ёки JCR Social Sciences Edition) илмий ишлар кўрсатилади.

2.13. Илмий лойиҳаларни бошқариш ва уни амалга ошириш бўйича тажрибаси (сўнгги 5 йил мобайнида бажарилган лойиҳалар (ташкилот) номи, рақамлари ва муддати, амалга

оширишда эришилган муваффақиятлар).

2.14. 2019 йилда иштирок этишни режалаштирган илмий лойиҳалари

Умумий сони _____, шундан: раҳбарлик _____, ижрочи сифатида иштироки _____, аниғи: _____.

(шу жумладан, грант берувчилар ёки лойиҳа буюртмачилари ва молиялаштириши манбаи, масалан – таъсисчи томонидан қўйилган давлат вазифаси, ДИТЛ грантлари, бошқа хўжалик шартномалари, грантлар ва субсидиялар).

2.15. Молиялаштириш у орқали амалга ошириладиган ташкилот билан кутилаётган меҳнат муносабати шакли:

ташкилот асосий иш жойи бўлади;

бир вақтнинг ўзида ўриндошлик асосида меҳнат шартномаси тузилади.

Танлов шартлари (шу жумладан, танлов ҳужжатларининг 6-8-бандлари) билан танишдим ва розиман. Лойиҳада иштирок этишимни тасдиқлайман. _____

Фамилияси, исми ва шарифи	
Шахсни тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари (серияси, номери, қачон ва ким томонидан берилгани)	
Яшаш манзили	
<p>Ушбу шаклга ўзим томонидан киритилган маълумотларни қайта ишлашларига розилигимни билдираман.</p> <p>Юқоридаги шахсий маълумотларни Вазирликнинг расмий веб-сайтида қайта ишлаш, йиғиш, тизимлаштириш, тўплаш, сақлаш, аниқлаштириш, фойдаланиш, тарқатиш, танловга аризаларини экспертиза учун топшириш, лойиҳалар ва дастурларни экспертизадан ўтказиш, танлов бўйича таҳлилий материаллар тайёрлаш, молиялаштиришни олган дастур иштирокчилари ҳақидаги ҳужжатлаштирилган маълумотларни узоқ вақт мобайнида сақлаш орқали молиялаштирилган дастур ва лойиҳалар раҳбарлари тўғрисида маълумотлар ошкор қилиниши мумкин.</p>	

Илмий раҳбар имзоси

Имзоланган сана

Лойиҳанинг асосий ижрочилари ҳақида маълумот

- 2.1. Фамилияси, исми, шарифи _____
 ўзбек тилида _____
 рус тилида _____
 WoS Researcher ID (мавжуд бўлса) _____
 Scopus Author ID (мавжуд бўлса) _____
- 2.2. Туғилган йили (рақамларда кўрсатилади – сана, ой, йил) _____
- 2.3. Фуқаролиги _____
- 2.4. Илмий даражаси, берилган йили _____
- 2.5. Илмий фаолият учун олган мукофотлари, етакчи илмий жамоаларга аъзолиги (агар мавжуд бўлса), нуфузли илмий журналларнинг таҳририят кенгашига аъзолиги (агар мавжуд бўлса).
- 2.6. Ариза берилган вақтдаги асосий иш жойи – ташкилотнинг тўлиқ номи, лавозими (ташкилотнинг қисқартирилган номи).
- _____
- _____
- 2.7. Илмий қизиқишлари соҳаси – калит сўзлар (калит сўзлар 15 тадан ортмасин)
 ўзбек тилида _____
 рус тилида _____
- 2.8. Илмий қизиқишлари доираси – фан соҳаларида _____
- 2.9. 2014 йил 1 январидан аризани топшириш санасига қадар чоп этирилган нашр ишларининг умумий сони. Шундан “Web of Science Core Collection” ёки “Scopus” маълумотлар базасида индексланган нашрларда чоп этилган нашр ишлари сони _____ та.
- 2.10. Лойиҳанинг асосий ижрочиси томонидан сўнгги 5 йилда эълон қилинган нашр ишларининг қўшимча рўйхати (монографиялар, ҳуқуқий жиҳатдан муҳофазаланган интеллектуал фаолият натижалари, рецензияланган нуфузли илмий нашрларда, “Web of Science Core Collection” ёки “Scopus” маълумотлар базасида индексланган нашрларда чоп этилган илмий ишлари, “Интернет” ахборот-телекоммуникацион тармоғида эълон қилинган илмий ишлар мавжуд бўлса, кўпи билан 10 тасига ҳавола берилади (индексацияланган нашрларда бўлиши шарт), агар мавжуд бўлса, импакт-фактор илмий нашридаги (JCR Science Edition ёки JCR Social Sciences Edition) илмий ишлар кўрсатилади.
- 2.11. Илмий лойиҳаларни бошқариш ва уни амалга ошириш бўйича тажрибаси (сўнгги 5 йил мобайнида бажарилган лойиҳалар (ташкilot) номи, рақамлари ва муддати, амалга оширишда эришган муваффақиятлари)
- 2.12. 2019 йилда иштирок этишни режалаштирган илмий лойиҳалари
 Умумий сони _____, шундан: раҳбарлик _____, ижрочи сифатида иштироки _____, аниғи: _____.
- _____
- (шу жумладан, грант берувчилар ёки лойиҳа буюртмачилари ва молиялаштириши манбаи, масалан – таъсисчи томонидан қўйилган давлат вазифаси, ДИТЛ грантлари, бошқа хўжалик шартномалари, грантлар ва субсидиялар).
- 2.13. Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан эълон қилинган танловда ғолиб бўлган тақдирда ушбу лойиҳада иштирок этиш учун ажратиладиган иш вақтининг улуши фоизда _____
- 2.14. Таълим жараёнидаги иштироки (докторантлар, адъюнктлар, интернлар, ординаторлар, мустақил изланувчиларга раҳбарлик, республика ва хорижий ОТМлари учун янги

ўқув курсларини ишлаб чиқиши ва ўқиши) _____

2.15. 2014-2018 йилларда давлат бюджетидан молиялаштирилган лойиҳада раҳбар (ташкilotнинг илмий дастури раҳбари) ёки қуйидаги лойиҳаларда (*агар мавжуд бўлса*) лойиҳа ижросиси (*ташкilotнинг илмий дастури*) сифатидаги иштироки: _____

лойиҳа(лар) раҳбари № _____, № _____;
лойиҳа(лар) ижросиси № _____, № _____;

2.16. Боғланиш учун телефон, электрон манзил (E-mail) _____

2.17. Лойиҳадаги иштироки: лойиҳанинг асосий ижросиси _____

Инновацион ривожланиш вазирлигининг танлов шартлари билан танишдим ва розиман.

Лойиҳада иштирок этишимни тасдиқлайман. _____

Фамилияси, исми ва шарифи	
Шахси тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари (<i>серияси, номери, қачон ва ким томонидан берилгани</i>)	
Яшаш манзили	
<p>Ушбу шаклга ўзим томонидан киритилган маълумотларни қайта ишлашларига розилигимни билдираман.</p> <p>Юқоридаги шахсий маълумотларни вазирликнинг расмий веб-сайтида қайта ишлаш, йиғиш, тизимлаштириш, тўплаш, сақлаш, аниқлаштириш, фойдаланиш, тарқатиш, танловга аризаларини экспертиза учун топшириш, лойиҳалар ва дастурларни экспертизадан ўтказиш, танлов бўйича таҳлилий материаллар тайёрлаш, молиялаштиришни олган дастур иштирокчилари ҳақидаги ҳужжатлаштирилган маълумотларни узоқ вақт мобайнида сақлаш орқали молиялаштирилган дастур ва лойиҳалар ижросилари тўғрисида маълумотлар ошкор қилиниши мумкин.</p>	

Лойиҳа ижросиси имзоси

Имзоланган сана

Ташкилот ҳақида маълумот

(лойиҳа бажариладиган ва молиялаштиришни амалга оширадиган ташкилот)

- 3.1. Тўлиқ номи (*рўйхатга олиш ҳужжатларига мувофиқ бўлиши керак*) _____
- 3.2. Қисқартирилган номи _____
- 3.3. Инглиз тилидаги номи _____
- 3.4. Ташкилий-ҳуқуқий шакли _____
- 3.5. Мулк шакли _____
- 3.6. Идоравий мансублиги _____
- 3.7. СТИР _____
- 3.8. Манзили _____
- 3.9. Ҳақиқий манзили _____
- 3.10. Ташкилот раҳбарининг лавозими, ФИШ _____
- 3.11. Мурожаат учун телефон _____
- 3.12. Электрон манзили (*E-mail*) _____

Ташкилот раҳбари қуйидагиларни тасдиқлайди:

- танлов шартлари билан танишиб чиқади, лойиҳа танловда ғолиб бўлса, ташкилот орқали уни молиялаштиришга розилик беради;

- танлов ҳужжатларининг 8-, 14-, 33- 36-бандларига, танловнинг бошқа шартларига розилигини билдиради;

- лойиҳа раҳбари тўғрисида аризада кўрсатилган маълумотларни тасдиқлайди;

Лойиҳа танловда ғолиб бўлган тақдирда ташкилот қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

- илмий жамоа аъзолари билан фуқаролик-ҳуқуқий ёки меҳнат (муддатли меҳнат) шартномаларини тузиш (лойиҳа раҳбари билан меҳнат шартномаси масофадан туриб ишни бажариш бўйича бўлиши мумкин эмас);

- лойиҳа раҳбари номидан илмий жамоа аъзоларига лойиҳани амалга ошириш учун ҳақ тўлаш;

- ҳар йили белгиланган муддатда грант маблағларининг мақсадли ишлатилиши тўғрисида ҳисобот тақдим этиш.

Ташкилот раҳбари имзоси**Ташкилот муҳри**

Лойиҳа мазмуни

4.1. Лойиҳада ҳал этиладиган илмий муаммолар

ўзбек тилида _____

рус тилида _____

4.2. Қўйилган муаммони ҳал этишнинг илмий аҳамияти ва долзарблиги

ўзбек тилида _____

рус тилида _____

4.3. Лойиҳа ҳал этиладиган муаммонинг миқёси ва мураккаблиги, муаммони ҳал этишга хизмат қиладиган аниқ вазифа(лар). Лойиҳанинг Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ўсиши ва ижтимоий ривожланишини таъминлайдиган илмий ва технологик захираларни шакллантириш билан боғлиқлиги

ўзбек тилида _____

рус тилида _____

4.4. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, қўйилган вазифа(лар)ни ҳал этиш ва режалаштирилган натижаларни олиш имкониятларини асослаш

ўзбек тилида _____

рус тилида _____

4.5. Тадқиқот муаммосининг ҳозирги ўрганилиш ҳолати, жаҳон илм-фанидаги илмий-тадқиқот йўналишлари ва илмий рақобатчилар

ўзбек тилида _____

рус тилида _____

4.6. Таклиф этилаётган усул ва ёндашувлар, лойиҳанинг бутун даври учун умумий иш режаси ва кутилаётган натижалар (камида 2 бет ҳажмда; кутилаётган аниқ натижалар йиллар бўйича кўрсатилади; умумий иш режаси йилларга тақсимланган ҳолда берилади)

ўзбек тилида _____

рус тилида _____

4.7. Лойиҳани амалга ошириш натижасида ишлаб чиқилиши ёки такомиллаштирилиши режалаштирилган янги маҳсулотлар (товарлар, ишлар, хизматлар), янги технологияларни яратиш ёки қўлланилаётган технологияларни такомиллаштириш ҳақида маълумот

ўзбек тилида _____

рус тилида _____

4.8. Илмий жамоада лойиҳа бўйича мавжуд илмий захиралар (*илгари олинган натижалар, ишлаб чиқилган дастурлар ва услублар кўрсатилади*)

4.9. Лойиҳани амалга ошириш учун илмий жамоада мавжуд бўлган ускуналар, материаллар, ахборот ва бошқа манбалар рўйхати (*жумладан, лойиҳани амалга ошириш учун улардан фойдаланиш зарурати кўрсатилади*)

4.10. Лойиҳани амалга оширишнинг биринчи йилидаги иш режаси (*лойиҳа бўйича режалаштирилган хизмат сафарлари (экспедициялари)ни ўз ичига олган ҳолда*)

ўзбек тилида _____

рус тилида _____

4.11. Ҳар бир асосий иштирокчи (жумладан, лойиҳа раҳбари)нинг лойиҳани амалга оширишнинг биринчи йилидаги иш мазмуни

4.12. Биринчи йил охирида кутилаётган аниқ илмий натижалар (*тақдимот шакли лойиҳада кўрсатилган иш режасининг натижаларини экспертизадан ўтказиш ва бажарилиши*)

даражасини баҳолаш имконини бериши керак)

ўзбек тилида _____

рус тилида _____

4.13. Грант маблағи ҳисобидан лойиҳани амалга ошириш учун сотиб олинши режалаштирилаётган асбоб-ускуналар, материаллар, ахборот ва бошқа манбалар рўйхати (лойиҳани амалга ошириш учун улардан фойдаланиши зарурати асослаб берилди) _____

4.14. Қўшимча маълумотга эга бўлган 1-файл _____

4.15. Қўшимча маълумотга эга бўлган 2-файл (1-файлдаги маълумот етарли бўлмаса) _____

Лойиҳа раҳбари имзоси

Лойиҳани амалга ошириш учун сўралаётган молиялаштириш ҳажми

Лойиҳа бўйича режалаштирилаётган харажатлар

Т/р	Харажатлар йўналиши	Харажатлар миқдори (минг.сўм)
ҲАММАСИ		
1.	Меҳнатга ҳақ тўлаш	
2.	Ягона ижтимоий тўлов	
3.	Хизмат сафарлари харажатлари	
4.	Лойиҳани амалга оширишга жалб этилган бошқа ташкилотларнинг тадқиқот ишлари учун тўлов	
5.	Илмий тадқиқотлар учун зарур бўлган асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулкни сотиб олиш учун харажатлар (шу жумладан, ходимларни ўқитиш, ускуналарни монтаж қилиш, ишга тушириш ва таъмирлаш ишларини бажариш)	
6.	Илмий тадқиқотлар учун материаллар ва бутловчи қисмларни сотиб олиш харажатлари	
7.	Лойиҳани амалга ошириш учун бошқа харажатлар	
8.	Ташкилотнинг устама харажатлари	

Лойиҳа раҳбари имзоси

Ташкилот раҳбари имзоси

Ташкилот муҳри

Интеллектуал фаолият натижаларининг индикатор кўрсаткичлари

№№	Индикаторнинг номланиши	Даражаси	
		Режа	Факт
1	Scopus/WoS рўйхатидаги журналларда чоп этилган мақолалар сони		
2	ОАК рўйхатидаги мақолалар сони		
3	РИНЦ рўйхатидаги мақолалар сони		
4	Умумий сонга нисбатан ёш ижрочиларнинг нисбати, %		
5	Бакалавриат йўналишида тайёрланган битирув малакавий ишлари сони		
6	Тайёрланган магистрлик диссертацияларининг сони		
7	Тайёрланган докторлик диссертацияларининг сони (PhD)		
8	Эълон қилинган монографиялар сони		
9	Эълон қилинган ўқув қўлланмалар сони		
10	Эълон қилинган дарсликлар сони		
11	Маҳаллий ихтиролари сони		
12	Халқаро ихтиролари сони		
13	Ҳимоя қилинган диссертация ишлари, жумладан, магистрлик диссертациялари		
14	Натижаларни татбиқ этишнинг самаралари		
15	Умумий молиялаштириш ҳажми млн.сўм		